

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (11.433)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлгимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб қўтиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Бу борада шаклланди ижобий аъёнларни узвий давом эттирган ҳолда, истиқлол йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан кўлга киритилган улкан натижаларининг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини чуқур англаш, мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамни таъйинлаш, кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 30 июнига қадар "Мустақиллик биз учун - ўзлгимизни англаш, юрт тинчилиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг гаровидир" деган эзгу ғояни ўзда мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб қўтиб олиш, тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ва маънавий, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш дари бўлганини чуқур очиб беришга хизмат қиладиган комплекс маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиб берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоен этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, ҳеч қандам кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустақам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-маъмурига чуқур сингдириш;

Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетақдор меросимиз, муқаддас дину диниётимиз, кўҳна урф-одат ва аъёнларимизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажакга дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан атрофидан ўрин олаётганини кенг тарғиб этиш;

Халқимизнинг хоши-иродаси билан қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирозни оқибатларига қарамай, иқтисодий-иқтисодий ўсиш суруятлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб кўлаётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

Мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тўздан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётини мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий ўрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида танлиқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи

лари ташкил этилгани ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу режа ва дастурларда белгиланган тадбирларни расмийлик ва баландпарвозлик ҳолатларида йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тахрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуг, энг азиз" аънавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижроичилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида оқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжалиқлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қўлланади.


11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофликка ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 19 июнь

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама қамол топиб, билимли ва хунарли инсон бўлиб воғга етишлари учун барч шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари борасида олиб борилаётган сазъ-ҳаракатлар, самарали фаолият кўрсатаётган турли-туман тўғарақларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни эътиборга лойиқдир.

Ҳақимжон Солихов олган сурат

## Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

### ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ҲАМЖИҲАТ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Кун кеча пойтахтимизда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» маърузасидан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Сенатининг «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги қарорининг Тошкент шаҳри бўйича ижроси кўриб чиқилди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Кун тартибидега асосий масала юзасидан ҳисобот берган шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев қайд этиб ўтганидек, мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган Инқирозга қарши чоралар дастури талаблари юзасидан шаҳар фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, барча жаҳада ислохотларни давом эттириш, пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича биринчи галдаги вазифалар белгилаб олинди, шунингдек, тегишли ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иш режаларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Шаҳар Кенгашининг олтига доимий комиссияси йиғилишларида ҳам давлатимиз раҳбарининг қайд этилган маърузаси ва парламент юқори палатасининг тегишли қароридан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий депутатлар билан ҳамкорликда инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳияти, чунончи жаҳонда ҳўкм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз жиддий оқибатларининг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган сазъ-ҳаракатлар юзасидан аҳоли иштирокида кенг қамровли ўрашувлар ўтказилди. (Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасига таъсирини бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг «Қурилишда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Тошкентда икки кун давомида «Афғонистон: барқарорлаштириш муаммолари ва реконструкция истиқболлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси томонидан Ж.Маршалл номидаги Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

• Қарши шаҳрида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан аёллар ижтимоий фаоллигини оширишнинг самарали усуллари бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Унда жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг ҳаётини манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва қарорларнинг амалга оширилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

• Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрида «Хуқуқ билимдонлари» танловининг минтақавий саралаш босқичи ўтказилди. Унда Фарғона водийсидаги касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда сараланган жамоалар ўзаро куч синашди.

• Фарғона шаҳрида «Ниҳол» мукофотига номзодларни саралаш бўйича кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда юздан ортиқ ёш иқтидор соҳиблари мумтоз кўшиқчилик, эстрада, опера, рақс ва мусиқа ижрочилиги бўйича ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этди.

• «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида республикамиздаги 560 дан ортиқ қишлоқ фуқаролик йиғинлари «Энг яхши қишлоқ» кўрик-танловининг биринчи босқичида иштирок этди. Кўрикнинг иккинчи босқичида фақат туман босқичи ғолиблари қатнашади.

## ЖАҲОНДА

• Москвада Россия Федерацияси ва Молдова Президентлари Приднестровьедаги аҳолини мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқадилар.

• Мексика АҚШ чегаралари атрофидаги ўзининг ҳарбий контингентини кучайтирди.

• Жаҳондаги энг йирик орол ҳисобланмиш Гренландияга кенгайтирилган мухторият мақоми берилди.

• Эронда бўлиб ўтган Президент сайловларидан сўнг ҳамон норозилик намойишлари ва тўс-тўполонлар давом этмоқда. Хусусан, кеча рўй берган тартибсизликлар натижасида 19 киши ҳаётдан кўз юмди, юзга яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди, иккита машиналарга ёнигиб қуйиш шохобчаси ҳамда масжид ёқиб юборилди. Айрим Фарб давлатлари Эронда бундай вазиятни юзага келтирган муҳолифат вакилларини қўллаб-қувватламоқда. Шу муносабат билан мамлакат Президенти Махмуд Аҳмадинажот хориж давлатларидан Эроннинг ички ишларига аралашмасликни талаб қилди.

• Кеча Бойкўнғир космодромидан Малайзиянинг телекоммуникация сунъий йўлдоши бўлган «Зенит» элтувчи ракетаси коинотга парвоз қилди.

• Франциянинг «Air France» авиакомпанияси Атлантика океани устида ҳалокатга учраган «А-330-200» аэробусининг ҳалок бўлган йўловчилари оиласига 17,5 минг евродан товуни пули тўлайдиган бўлди. Ҳозирча қидирув ишлари натижасида сув юзасидан топилган 50 нафар йўловчи танасидан 11 нафарининг шахси аниқланди.

• Покистонда «Толибон» ҳаракатининг 34 нафар жангариси йўқ қилинди.

• Франциялик буюк композитор ва дирижёр Пьер Булез Нобель мукофотининг ўхшаши сифатида таъсис этилган ва Ина-мори фонди томонидан топширилаётган Япониянинг нуфузли Киото мукофотининг жорий йилдаги соҳибни бўлди.

• Португалиянинг шимолӣ қисмида ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Ёнғинни жилавланш учун бу ерга кенг қўламдаги техника воситалари жалб этилган бўлсада, кучли шамол ҳамда яқин атрофда сув олиш учун сунъий ҳовузаларнинг йўқлиги вазиятни бирмунча оғирлаштирмоқда.

## ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳаббатларимиз хабарларидан.

✓ **ЎТГАН** кун Тошкент

Ахборот технологиялари университетидега ўтказилган битирув кечасида махсус факультет битирувчи талабалари, ўқитувчилар иштирок этишди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Шоши-

линч тез тиббий ёрдам марказида жанубий кореялик жароҳ шифокорлар иштирокида бемор болалар муолажа қилинди.

✓ **БАДИЙ** академия-

нинг марказий кўрғазмалар залида ташкил этилган ўзбек сўзаналари кўрғазмаси 12 июлгача давом этади.

✓ **МИРОБОД** туманидаги

Фафур Фулом номи маданият уйида азият пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган концерт дастурида ёзги таътилда оромгоҳларга жалб этилганлар Баротхўжа маҳалласида яшовчи болажонлар иштирок этишди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар шахар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлик, Ешлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиялар йиғилишларида ҳам бир неча бор муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳри, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг марказий бўғинини ташкил этади, ялпи ички маҳсулотда, хусусан, ташқи савдо ва пул маблағлари айланмаси, инвестициялар, бандлик каби муҳим кўрсаткичларда салмоқли улушга эгадир. Айнан шу нуқтага назардан, сессияда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари биринчи навбатда пойтахтда яққол намоён бўлишининг эҳтимоли каттадир. Бундай вазиятда, ўз навбатида, шахар ва туман ҳокимликларининг зиммасига Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини таъминлашда нечоғлик масъулият юкланаётганини тушуниш қийин эмас. Шулардан келиб чиқиб, шахар миқёсида ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича алоҳида ҳудудий чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, амалга татбиқ этиб келинаётди. Бундан ташқари, ҳар бир туманинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий салоҳияти, заҳира ва имкониятларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тегишли туман дастурлари ҳам қабул қилинган.

Сессияда қайд этилганидек, Инқирозга қарши чоралар дастурининг аҳамияти ва моҳиятини кенг тушунтириш, бевосита мулоқот орқали ишлаб чиқарувчилар муаммоларини аниқлаш ва тезкор ҳал этиш мақсадида Бош прокуратура ташаббуси билан ҳар бир туманда учрашувлар ташкил этилиб, уларга 7,2 мингдан зиёд корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар жалб этилди. Шунингдек, айнан шу мақсадларда 3 мингта яқин йирик ва кичик бизнес тузилмалари вакиллари иштирокида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг сайёр йиғилишлари ҳам ўтказилган бўлиб, бевосита улар доирасида тадбиркорлик субъектларининг бир неча ўнлаб масалаларининг ечимини топишга эришилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш борасида тузилган махсус шахар мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан доимий равишда тезкор йиғилишлар ўтказилиб, корхоналар, тадбиркорларнинг юзага келаятган муаммоларини ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифалардан бири — бу экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобат бўлишини қўллаб-қувватлаш ва бу борада уларга қўшимча омишлар яратишдир. Мазкур йўналишда шахар ҳудудий экспорт дастури доирасидаги 52 та корхонадан ишчи гуруҳи номига 280 турдаги маҳсулот бўйича таклифлар киритилган бўлиб, мазкур маълумотлар аниқ пайтда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг алоҳи-

да веб-сайтдан ҳам ўрин олган. Шу билан бирга ушбу субъектларнинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, молиявий ва кредит йўли билан ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам ўрганиб чиқилди. Чунончи, республика даражасида келишилган ҳолда «Лукас текстил», «Совпластитал», «Ўзпахтамаш», «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Сувсоз» каби корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, коммунал хизматлар бўйича мавжуд қарзлари кечиктирилди. Экспорт қилувчи корхоналардан «Агрегат заводи», «Муруват текс», «Тошкент тола ипаги», «Фарм Гласс», «Новофарма плюс», «Шахтестиль»нинг банклардан олган кредит маблағларини тўлаш мuddати бир йилга узайтирилди, ҳисобланган устам ва жарималаридан воз кечилди.

## ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ҲАМЖИҲАТ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Умуман, ҳисоботда кўрсатиб ўтилганидек, шахар мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳига турли йўналишдаги муаммоларини ҳал этиш масаласида мурожаат этган 50 дан зиёд корхоналар бўйича ўрганишлар ўтказилиб, уларга белгиланган тартибда юзага келган вазиятлардан чиқиб кетиш имкониятлари яратилмоқда. Шунингдек, алоҳида айтиб ўтиш керакки, мурожаатларнинг асосий қисми конвертация, имтиёзли кредит ажратиш, тўғридан-тўғри шартнома тузиш, зарур маҳсулотларга лимит ҳажмларини ошириш масалаларига оид бўлаётди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган чораларнинг самарадорлиги ҳақида гап борганда, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида шахар ташқи савдо айланмаси 4,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, ўсиш суръати 130,4 фоизга тенг келиши, шу жумладан, экспорт ҳажми 44 фоизга ошиши, бунда ҳудудий тасарруфдаги корхоналарнинг кўрсаткичи 127 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Ушбу йўналишда умумий қиймати тахминан 2 миллиард долларга тенг 110 та инвестиция лойиҳаси ўрганилмоқда. Шулардан 65 таси ҳудудий дастурга киритилган бўлиб, асосан саноатнинг қурилиш материаллари, озиқ-овқат, машинасозлик, фармацевтика, электротехника тармоқларини ривожлантиришга қаратилгандир. Ўтган вақт давомида эса ўн та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг ўзида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни 4,7 мартабга ошириш, 15 миллион долларга тенг сармояларни ўзлаштириш, 720 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Мазкур дастур 291 та лойиҳадан иборат бўлиб, уларнинг татбиқ этилиши илгарилари импорт қилинган, демакки, катта-катта хорижий валюта сарфланган 113 та турдаги бутловчи қисм ва деталларни ўзи-

мизда ишлаб чиқаришга имконият очиб беради.

Маҳаллийлаштириш дастури иштирокчилари доирасини яна кенгайтириш мақсадида ҳозирда яна 31 та янги лойиҳалар кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, айтиб ўтиш муҳимки, маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналарнинг 14 таси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда ва ушбу йўналишдаги ишлар давом эттириляётди. Хусусан, яқинда «Киннерташ» масъулияти чекланган жамияти томонидан қўшни давлатларга қурилиш ашёларини етказиб бериш бўйича 600 минг долларга тенг шартномалар имзоланди, «Тошкент таҳриба-механика заводи» акциядорлик жамияти бўйича эса 1,2 миллион доллар миқдорида кўтарма ва автокранларни экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Шаҳар ишчи гуруҳи томонидан республика комиссияси билан ҳамкорликда маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиларининг 2,1 миллиард сўмдан зиёд кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ижобий ҳал этилди. Умуман, жорий йилнинг январь-май ойлари мобайнида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 145,6 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан деярли 8 миллион АҚШ долларига тенги экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ҳукумат томонидан қабул қилинган тегишли Фармон ва қарорлар асосида қабул қилинган тармоқларга оид дастурларнинг изчил жорий этилиши натижасида сервис хизмати, уй-жой фонди, ободонлаштириш соҳаларини ривожлантириш, маҳаллий нооziқ-оziқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар юзага келди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахт иқтисодиётида куйидаги тарзда юқори ўсиш суръатлари кутилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 110 фоиз даражасида бўлиб, бунда саноат ҳажми — 110,4 фоизни, ҳалқ истеъмоли моллари — 112,5 фоизни, инвестициялар — 111,7 фоизни, пудрат ишлари — 116,8 фоизни, жами хизматлар 120 фоизни ташкил этиши баҳорат этилмоқда.

Айни ҳаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз жадал тус олаётган даврда, республикамизда бундай юқори ўсиш суръатларига эришиляётганида — авваламбор давлатимиз раҳбари томонидан узокни кўзлаб, вақтида кўриляётган чора-тадбирлар, чунончи, 2012 йилгача ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури алоҳида ўрин тутди. Унинг кечиктириб бўлмайдиган талаб ва вазифалари изчил татбиқ этиляётганини эса, шубҳасиз, ҳўжалик субъектлари қаторида маҳаллий ижроия органларининг ҳам саъй-ҳаракатларининг натижаси деярли муволаба бўлмайдиган.

Сессияда ушбу масалага алоҳида

урғу бериб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори Абдурашид Алтиев бундай юқори кўрсаткичларга эришишда депутатлар, жумладан, шахар Кенгаши корпуси ўзининг роли ва масъулиятини нимада деб билади, деган саволни ўртага ташлади. Ўз навбатида, парламент юқори палатасининг Инқирозга қарши чоралар дастурининг сўзсиз бажарилишида вазифаларини ҳам қисқача баён этди. Айтиб ўтилганидек, мазкур долзарб масала республикамиз Президенти ташаббуси билан Сенат даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, аниқ пайтда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз бирон-бир давлатни четлаб ўтиши, дарҳақиқат, асло мумкин эмас, вақтида кўрилган чоралар эса фақат иқтисодий масала ва муаммоларнинг ечимига қаратилмаётди. Уларнинг ҳар бирида авваламбор инсон омили биринчи ўринга қўйилган бўлиб, пировардига одамларнинг фаровон турмушини белгилайди. Бу дегани бугунги кунда қайд этиляётган қандай муаммо бўлмасин, уларнинг ечимини ҳар биримизга боғлиқдир. Инқирозга қарши чоралар дастури ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча бўғинини қамрайди. Унинг тўғри ижросини таъминлаш, асосий мақсад ва вазифалари юзасидан жойларда тушунтириш ишларини янада жадаллаштириш ва жамоат назоратини ташкил этиш — бу депутатлик корпусининг асосий вазифаси ҳисобланади, аммо Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган мониторинг таҳлилларига қараганда, баъзи депутатлар, шахар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари ҳам бу борада ўзининг ролини хануз тушуниб етмаган, Инқирозга қарши дастурининг ижросини таъминлашда четда қузатувчи бўлиб қоляётганлар ҳам йўқ эмас.

Шундан келиб чиқиб, юқори палата томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси сўзсиз таъминланишида шахар Кенгаши депутатлари томонидан жойларда тушунтириш ишларини фаоллаштириш, ўз сайлов округларида жойлашган ҳар бир корхона муаммосини ўрганган ҳолда, тегишли манзилларга депутатлик сўровномалари ва таклифларини киритиш юзасидан тавсиялар берилди. Таъкидлаб ўтилганидек, фақат шундангина аҳоли ҳам, ҳўжалик субъектлари ҳам депутатлар фаолиятининг таъсирчанлигини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрнини сезиши ва эътироф этиши мумкин бўлади.

Мазкур масала юзасидан сессияда шахар Кенгаши доимий комиссияларининг раислари Жамолдин Бобоҳонин, Шавкат Иргашев ва Раваҳон Қурбонов сўзга чиқибди, шунингдек, бу борада амалга ошириляётган ишлар хусусида Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳақимов, Марказий банк шахар бошқармаси бошлиғи Шерзод Хаджизодаевнинг ҳисоботлари тингланди.

Шаҳар Кенгаши сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг шахар минтақавий вакилигининг ўтган йил бўйича фаолият юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Сессияда депутатлик корпуси ваколатига кирадиган яна бир неча масалалар муҳокама қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**Транспорт**

## ДОИМИЙ ЯНГИЛАБ БОРИЛМОҚДА

Шаҳримизда «Йўловчилар ташиш транспортда аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлари» ўтказилиб, аллақачон натижаларни сарҳисоб қилинди. Бундай тадбирни амалга оширишда «Ташхартрансхизмат» уюшмаси томонидан қўрилган тадбирлар самарасини берди.

Шаҳар йўловчи ташиш транспорти корхоналари томонидан бундай натижаларга ҳаракат таркибини доимий равишда янгилаб бориш эвазига эришилди. Шаҳар ички йўналишларида йўловчи ташиш иши ҳам кўнгулдагидек адо этилди. Шунингдек, бу борада «71-619 КТ» русумли трамвай вагонларини харид қилиш текник-иқтисодий ҳисоби ишлаб чиқилди.

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ФАОЛИЯТ

«Тошэлектротранс» Давлат компанияси ўз фаолиятини бошлаганига икки йилдан ошди.

Унинг тарихига Тошкент метрополитени, 2-трамвай депоси, 2-троллейбус депоси, 3-трамвай-троллейбус депоси, йўл хизмати, шахар электр транспортга хизмат кўрсатиш шўъбаси ҳамда «Тоштра сервис» техник маркази каби корхоналар киритилган.

Айни вақтда компания 119 трамвай вагонига эга. Шундан 87 таси «Татра», 2 таси «Спектр», 20 таси «КТМ», биттаси «РВЗ», 8 таси эса янги келтирилган «71-614 КТ» русумдагилар. Бундан ташқари 100 та троллейбус мавжуд. Унинг 40 таси «ЗИУ», 60 таси «Шкода-14 тр» русумли троллейбуслар ҳисобланади.

Эндликда шахримиз аҳолисига ҳаммаси бўлиб 9 та трамвай, 9 та троллейбус йўналишлари орқали хизмат кўрсатилмоқда.

## ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишда транспорт корхоналари жамоалари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

«Тошэлектротранс» компаниясининг «Йўл хизмати» шўъба корхонаси бўлимлари куч-ғайрати билан кенг қўламдаги трамвай рельсларини кўтариш ишлари амалга оширилди. Трамвай йўллари ва контакт тармоқларини монтаж қилиш бўйича ишлар ҳам низоҳатга етказилмоқда.

**Тиббиёт**

## МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА

Тиббиёт муассасаларида қон, унинг препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қўн тармоқли тиббиёт марказлари таркибида гематологик ўринлар, туман (шаҳар) тиббиёт биноларида хузурида гематологик кабинетлар ташкил этишга киришилганлиги ҳам аниқ мuddа бўлди.

Қон хизмати муассасаларини тиббий техника ва аппаратлар билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика гематология ва қон қуйиш институти клиникасида амалга ошириляётган тиббий тадбирлар ҳам ана шу мақсадларга қаратилган. Бу ерда турли хил қон тизими хасталиғи, лейкоз касаллигининг аниқ диагностикаси бўйича мукамал лаборатория текширувлари ҳам ўтказилаётди. Шундай қилиб институт клиникаси гематологик ва онкогематологик касалликларни даволашнинг илмий марказига айланиб қолди.

## ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида соҳа йўналишида кенг қўламда ишланишлар олиб борилямоқда.

Марказнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти пульмонология ва клиник аллергология кафедраси билан ҳамкорликда амалга ошириляётган тадқиқотлар ҳам самарали бўлмоқда.

Таниқли олим, профессор Абдулла Убайдуллоев илмий раҳбарлигида ўтказилаётган муолажалар кўпгина беморлар дардига манфаат бўляётди.

Толмас тадқиқотчи Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонологи сифатида ҳам республика доирасида уюштириляётган тиббий тадбирларга раҳбарлик қилмоқда. Бундай ишланишлар натижасида қатор наشرлар босмага тайёрланди.

## ИЛФОР ТАЖРИБАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон травматолог ва ортопедлари съезида шу соҳа ривожини билан боғлиқ қатор муҳим масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Унда республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти томонидан қўлга киритилган ютуқлар ҳам яқин баҳо берилди.

Даволашнинг янги механизмларини шифо жараёнларига татбиқ этиш борасидаги ишланишлар эса алоҳида илмий тўпламда ўз ифодасини топди. Айни вақтда қатор тадқиқотлар хорижда ҳам эътироф қилинди.

Акбар АЛИЕВ

## ТАРАҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Хар қандай мамлакат иқтисодиётига ички ва ташқи инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишининг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади.**

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тарқиқини таъминловчи кучдир. Шу сабабли барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини янада оширишимиз лозим.

Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишлари ва бугунги кун талабларига жавоб берадиган мукамал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу боис му-

стабиллигимизнинг дастлабки йилларидан инвестицион фаолиятнинг эркинлиги ва ривожланишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг қарор қонунлар ва қарорлар қабул қилиниди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб қилишни, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни, устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оши-

ришни ва мамлакатда инвестицион фаолликни оширишни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Республикамизда ўтган 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобида 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб қилинди. Бу 2007 йил билан таққослаганда 28,3 фоизга кўпдир. Инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этди. Ўтган йил ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни мо-

дернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган 2008 йилда мамлакатимизда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестициялар ўзлаштирилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 46 фоизга кўпдир.

Шунингдек, ўтган 2008 йилда республикамиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарий 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, энгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

Юқоридаги кўрсаткичлар таҳлилидан шунини хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда инвестицион муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётганида кўришимиз мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда ҳар қандай иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда бир қатор муаммоларга дуч келиш мумкин. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвесторларнинг эркин кириб келишида уларга етарли шароит яратиш бериш — истикболдаги молиявий барқарорликни таъминлаб берувчи энг муҳим омиллардан бўлиши шубҳасиз.

Азизжон МАХСУДОВ,  
Тошкент Молия институту магистранти



**Республикамиз селекциячи-олимлари бизнинг иқлим шароитида маҳаллий ўғитлардан фойдаланган ҳолда цитрус ўсимликларининг янги, анча самарадор навларини яратишга эришдилар.**

Бу янгилик ҳамаси 20 йил аввалги воқеаларни хотирлашимизга сабаб бўлди. Уша кезларда космонавт Владимир Жониевков навбатдаги халқаро космик экипажнинг командири этиб тайинланиб, учиб ҳозирлик кўраётганди. Ва одатга кўра, парвоз олди-дан ота-онасининг дуосини олиш учун икки-уч кунга Бўстонликка келди, сўнг Тошкентда дўстлари даврасида бироз чакчақлашиб, ўзининг маънавий устои деб билган Зайниддин Фахриддинов хонадонига ҳам ташриф буюрди. Ўз даврининг афсонавий кишиси — ўзбек лимончилигига асос солган бу инсон билан космонавтни кўп нарсалар боғлаган. Маълум бўлишича, олим гоёвий шогирдининг ҳар келишини янги-янги лойиҳалар билан қаршилаган ва узоқ баҳслар интихосида лимонларнинг деярли аксарияти вазнсизлик шароитида синовдан ҳам ўтган. Фахриддиновнинг галдаги таклифи — лимонни қаламча усули билан ҳақиқий фазовий шароитда шиша идишчада ўстириш мумкинлиги Жониевковни бироз ўйлантирган бўлсада, аммо устозининг гапини икки қила олмаслигини ҳам яхши англади. Синов учун эса олим ўзига хос шишобахш таъми билан ажралиб турадиган ва республикамиз ташқирисиди ҳам талаб катта бўлган «Тошкент» навли лимон қаламчасини тайёрлаб кўйганди (ўша пайтларда ўзбек лимонлари ҳозирги МДХ давлатларининг кўпига экспорт қилинган).

Ниҳоят фазога сафар кунни ҳам етиб келди. Зайниддин ота эса оиласи билан бу борадаги ҳар қандай маълумотдан воқиф бўлиб боришга шошиллар эди. Биринчи видеоларга орқали Владимир Жониевков ракета коинотга муваффақиятли кўнгинини билдирар экан, барча экипаж аъзолари вазнсизлик ҳолатига ўтиш жараёнини осонликча енгиб ўтгани, бунда шишобахш Тошкент лимонлари катта фойда бергани боис ўзларини яхши сезаётганлари ҳақида Жониевков тилидан бутун дунё эшитганди. Жониевков инсон саломатлигига вазнсизлик ҳолатида цитрус меваларининг таъсир кучини синаб кўриш мақсадида «йўл-йўлакай» ўзи билан ҳақиқий лимонни ҳам фазога олиб чиққанди. Ушанда шиша идишчада «учаётган» лимон новдаси ва парчалари ҳам намойиш қилинган эди.

Коинот сафари анча узоқ давом этди. Фазогирлар ерга қайтиш кунини билгач, Зайниддин Фахриддинов уларни кутиб олиш учун Бойқўнғирга борди. Карантин жараёни тугаши билан Жониевков устози томон яхши хабар билан шошилди. Ундан илдиш отиб, бўйи анча қўзилган лимон қаламчасини кўлига олар экан, олим кўзлари қувонч ёшларига тўлди...

Бу космик кашфиёт натижалари кейинчалик қандай яқун топгани ҳақида тўлиқ маълумот бўлмасда, аммо З.Фахриддинов умрининг охиригача илдизсиз ўсимликка ҳаёт бахш этиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борганига талайгина далиллар бор.

Шу ўринда ўзбек мўъжизаси — ғайритабиий экзотик ўсимликнинг биз учун оддий нарсага айланб қолганига 1959 йилда — бундан роппа-роса ярим аср аввал асос солинганини эслатиб ўтиш ўринли. Ўзбек заминиди цитрус меваси етиштиришнинг асосчиси эса

халқ академиги, республикада хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддиновдир.

Айтиб ўтиш жоизки, бу борада селекция тадқиқотлари 1957 йилдан бошлаб олимлар томонидан ўтказилган, аммо уларнинг деярли уч йиллик ури-нишлари бесамар кетди. Шундай ҳол-дани ҳам қилинганлиги, гўё кескин кон-тинентал иқлим ҳудудидида жойлашган Ўрта Осиёда иссиқ ўлка ўсимликларини киш мавсумига мослаштириш қийин кечадиди, демак Ўзбекистонда лимон етиштиришнинг иложи йўқ...

1959 йилнинг куз мавсумида асосан

биринчи «Тошкент» навли лимонни яратди. Мазкур навнинг вази 450 грамм бўлиб, унинг таркибиди лимон кислотаси 4 фоиздан зиёдни ташкил этган, пўсти билан ҳам истеъмол қилиш фойдали эканлиги маълум. Айнан шу лимон нави кейинчалик, юкори-дан айтиб ўтилганидек, фазо шароити-да ҳам синовдан ўтди.

Уч йил ўтгач, республикамизга Куба раҳбари келиб кетгандан сўнг, лимон-нинг чатиштирилган «Ф-2-Яланғоч» гибрид нави яратилди. Бир донаси 450 граммдан 2,5 килограммгача келадиган грейпфрут меваси таркибиди

миришкор олим Зайниддин Фахриддинов илмий тадқиқотлари давомий бўлишини ният қилиб, ҳамма фарзандлари — етти ўғил ва тўрт қизига лимон, апельсин, мандарин етиштириш сирларини ўргатди. Бироқ фақат тўртинчи ўғли Муҳаммадзиз отасининг илмий меросини ўрганиб, орзусини рўёбга чиқаришга астойдил киришди.

Албатта, бугунги кунда бу соҳада ҳам тадбиркорлар кўпайиб бормоқда. Лекин ўзбек дийрида лимон етиштиришга асос солган Зайниддин Фахриддиновни ҳамма яхши билади, қолаверса, ўзбек лимончилиги деганда бу инсоннинг номи тасаввур қилиниши ҳам бежиз эмас.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё ва физика полимерлари институти мутахассислари олим Муҳаммадзиз Фахриддиновнинг илмий раҳбарлигида цитрус ўсимликларини қаламча билан кўпайтириш усулини яратишга эришилди. Халқ академиги Зайниддин Фахриддинов бундай имконият албатта топилишига ишониб келган. Унинг 50 йил аввал бошлаб, бутун ҳаёти давомида олиб борган илмий изланишлари издошлари томонидан яна бир бор чуқур ўрганилиб, ниҳоят ўзининг янги меваларини бера бошлади. Ёш олимлар тадқиқотининг муҳим жиҳати яна шундаки, тажриба ишлари мутлақ экологик зарарсиз маҳаллий ўғит — пилла куртининг гумбаги, яъни пўстлогиди

дан тайёрланадиган хетозан препаратиди асосида олиб борилади. Маълум бўлишича, янги иختиро қилинган хетозан қориммасидан институти лабораторияси ва тажриба ерларида сабзавот ва поллиз ўсимликлари уруғини экишдан аввал ҳам фойдаланилади. Бу эса уруғнинг унвчанлик қувватини деярли икки бараварга ошириб, ҳосил ҳам анча кўп олинади. Аҳамиятли томони яна шундаки, бундай ўсимликларни етиштиришда хетозан импорт ҳисобиди қўлланиб келинган кимёвий моддалардан икки баравар арзон тушади ва тўлиқ ўрнини ҳам боса олади, демакки, валюта-ни тамомилди иқтисод қилиш имконияти ҳам бор. Бугунги кунда институти-нинг Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри бу борада шартнома тузишга эришгани ҳам қувонарлиқдир.

Фазога ҳам донги кетган Тошкент лимонлари каби инсон ақл-идроқи, заковати ила ҳаёт юзини кўрган кўп мўъжизалар вақти келиб, ҳақиқатга, кундалик ҳаётимизга сингиб бораётганининг гувоҳимиз. Ким билсин, йиллар ўтиб, бир пайтлар ўзбек лимонзорларини кўриб ҳайратланган космонавт Владимир Греченконинг ҳам қуйидаги тилаклари ижобат бўлар: «Ўзбек олимни мана шундай мўъжиза яратди. Марсада келажакда олма гуллаши мумкин. Ана ўшанда, ишончим комилки, бу кўтлуг заминда етиштирилган лимонлар ҳам у ерда ҳосил беражак...» Дарҳақиқат, бу борада ҳам ўзбек олимларининг салоҳияти тенгсиз бўлади дегди оламиз ва албатта ўз кашфиётлари билан жаҳон цивилизацияси таррақийетиға салмоқли хисса қўшган ўз аждодлари каби дунёни ҳали кўп бор лол қолдиришга қодирдилар. Улар халқаро миқёсда, хусусан, фалакни ўрганиш йўлидаги илмий изланишлар бобида ҳам аниқ гоё ва таклифлар билан тажриба алмашишга тайёрдилар. Бунга биргина ўзбек лимончилигининг машаққатли, аммо самарали тарихи ва бугунги ёрқин саҳифалари мисол бўла олади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**КОИНОТНИ ҲАМ ЗАБТ ЭТГАН ТОШКЕНТ ЛИМОНЛАРИ**



гул етиштириш билан шугулланиб келган Зайниддин Фахриддинов Грузияга бориб, атиргул кўчатларини лимон кўчатларига алмаштиради. Уша пайтларда бу ўлка иссиқ бўлгани боис цитрус ўсимликлари табиий ҳолда, яъни очик шароитда ўсган ва маълум бўлишича, ўзбек олимни кўпчилигидан бир чегга ажратиб қўйилган бир уюм лимон кўчатларини эгасини рози қилиб олади. Уйига қайтган, уларни гуллари парваришлар усулини кўллаб, иссиқхонада трансвоясимон ариқ қазиб, экиб чиқади. Орадани атиги бир йил ўтгач, лимон навлари биринчи нишонга ҳам беради. Олимнинг бу кашфиёти ўзбек заминиди, агарда қаловини топсанг, ер курастининг бутун флора дунёсини мўжассам этиш мумкинлигининг аяқлол исботи эди. «Бунинг учун она-заминни қадрлаш лозим. Мехр кўрсатсанг, у сенга бор сир-асрорлариди ажойиботларини ҳамда имкониятларини очиб беради», - деб ёзган «Таассуротларим» китобиди З. Фахриддинов. XX асрнинг ўрталарида ўзбек олимни томонидан яратилган мўъжиза ҳақида кўп мақола-лар берилганди. У яратган хушбўй лимонзорларда давлат ва жамоат ар-боблари, ёзувчилар ва шоирлар, олимлару кўллаб фазогирлар — дунёнинг турли бурчакларидан келганлар ҳам, Мустақил Ўзбекистонимизнинг таниқли намояндалари ҳам меҳмон бўлгани ва ҳар бири дил сўзларини ёзиб қолдирганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Давлатимиз раҳбари Зайниддин Фахриддиновни ўзбек лимончилигининг отаси дея таъриф берган. Тропик ўсимликлар ватани — Кубада боғу кўчаларда, хонадон ҳовлилариди — ҳамма жойда лимон, грейпфрутлар гуллаб, мўл ҳосилга кирганини кўриш мумкин. Кўз ўрганиб қолгани боис бундай гўзал манзарага атрофдагилар деярли аҳамият ҳам бермайдил. Шундай бўлсада, Фидель Кастро мамлакатимизда лимончилик селекцияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан таъсирланиб, буюк дея баҳо берад экан, Зайниддин Фахриддиновга соҳибкор, ажойиб инсон сифатида тасаннолар билдирган.

1967 йилда олим ўзбек заминиди

лимон кислотаси миқдори 12 фоиз — оддий лимондан фарқли равишда уч баравар кўпни ташкил этиб, ҳар йили тўрт марта ҳосилга кирган. Пектин, эфир мойига бой бўлган қалин пўстлогиди маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан фармакологияда кенг қўлланилган. 1980 йилда узоқ изланишлар натижасида биринчи ўзбек апельсини етиштирилди. Уша йили шунинг-дек, «Тошкент» навли мандарин ҳам яратилди.

Шундай қилиб, 20 йил давомида Ўзбекистонда субтропик ўсимликларини антиқа намуналарни устида илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида ишлаб чиқариш негизини ҳам шакллантиришга эришилди. Бу хайрли ишларга раҳбарлик қилган Зайниддин Фахриддинов цитрус меваларига бўлган ички ва ташқи эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда имкониятларини янада кенгайтириш баробарида лимон, апельсиннинг янги намуналарини, хусусан, пайванд усулидан ўзгача услубларда яратиш устида ҳам изланишларни давом эттирди. Пайванд қилиниб, етиштирилган лимон буй чўзиб, бутта эмас, дарахтсимон кўринишга эга бўлган. Бунинг учун эса катта майдон талаб этилган. Олимнинг орзуси, аниқроғи ягона мақсад — лимонни етиштиришда янада унумдор, ҳосилдор, маданий ўсимлик сифатида хусусиятларини узоқ сақлаб қоладиган услубни кашф этиш орқали кўчатларни кўпайтириш эди. Шу боис Фахриддинов айнакча қўчатни қаламча қилиб кўпайтириш устида кўп тажрибалар олиб борди. Изланишлари бесамар бўлаверган, «фазовий» гоғни илгари сурди ва бу, кейинчалик маълум бўлганидан амалда қўтилганидан ҳам аёло натижа берди. Икки йиллик қаламча кўчатидан келиб олинган қаламча вазнсизлик шароитида тез орада илдиз отган бўлса, тупроққа ўтқазилгандан сўнг, гувоҳи бўлган кишиларнинг таъкидлашича, иккинчи йили мўл ҳосил берган. Аммо бу ягона воқеа сифатида эътироф этилган ҳолос. Олим кейинги изланишларида бу каби натижага эриша олмаган.

Фидойи инсон, ўз ишининг устаси,

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**3-СОН ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**1. ТРАМВАЙ** ҳайдовчиларининг ўртача ойлиги 200 000-250 000 сўм

**2. ТРОЛЛЕЙБУС** ҳайдовчиларининг ўртача ойлиги 200 000-250 000 сўм

**3. ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС** ҳайдовчилик курсига ўқишга

21-35 ёшгача бўлган фуқароларни қабул қилади ва уларга стипендия тўланади.

**Бизнинг манзил:** М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-а уй.

**Тел:** 263-28-97

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 28 июль кунни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.09.2008 йилдаги 10-0811/8953-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, З.Шамсутдинова кўчаси, 23А-уйда жойлашган, «Jisong Korea industrial» ҚҚга тегишли, жами майдони 10977 кв.м бўлган 18 та бино, 1 та қурилиши тугалланмаган бино ва 3 та иншоот қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 185 000 000 сўм.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

Газетанин 2009 йил 20 апрелдаги 78 (11.389)-сониди адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган адвокатларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги рўйхатда кўрсатилган Шарипов У.М.га 24.06.2003 йилда берилган TN 001915 лицензиясининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги эълон

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»** Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

**СИРЛИ ОЛАМ**

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

- Британиялик актёр Дэниел Крейнинг кўриниши музқаймоқнинг янги турига айланди. Бу ҳақда «The Daily Telegraph» нашри хабар беради. Таниқли актёр кўринишидаги мевали эскимо (шоколадли музқаймоқнинг бир тури) музқаймоғини яратиш гоғси Del Monte компаниясига тегишлидир. Бундай музқаймоқни ишлаб чиқаришдан аввал фирма 1000 га яқин инсонлар ўртасида сўров олиб борган. Айнан улар эскимога айланадиган актёрни танлашлари лозим бўлган. Иштирокчиларнинг кўп қисми янги Жеймс Бонд ролин ижро этган актёр номзодига овоз беришган.
- Компания вакилларининг сўзларига қараганда, актёр Крей кўринишидаги музқаймоқ янада ейишли бўлиши ва ҳақиқийсига ўхшаши учун бир қанча расомлар меҳнат қилишган. «Казино Рояль» картинасидаги эпизодиди Крейнинг қаҳрамони денгиз қиргоғига сувдан чиқши «Бонд-музқаймоғи»нинг асосий кўринишининг яратилишига сабабчи бўлган.
- Истеъмолчиларга 31 май кунни бундай антиқа кўринишдаги «Бонд-музқаймоқ»ларнинг яна уч хил: черникали, анорли ва клоквадан тайёрланган мазали турлари тақдим этилган. Унинг қуввати 100 калорияни ташкил этади. Актёр Крейнинг бунга муносабати ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ дея хабар беради.
- Япония шаҳарларининг биридаги унча катта бўлмаган «Каябуки» ресторани учун йудзудли онлар етиб келди. Унинг овозаси кундан кунга тарқалиб бормоқда. Фақатгина бу ерда овқатланиш учун жойни бир неча ойлар аввал буюртма қилиш лозим. Бундай антиқа омад учун ресторан Фукучан исми маймун-официантга миннатдорчилик билдириши керак. Хушомадгўй официант ташриф буюрувчиларни илтифот билан кутиб олади. Дастурхон тузади. Никоб билан рақсга тушади. Бир сўз билан айтганда, хўрандаларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Фукучан чойчақа тарзида банан ва олма олади. Ресторанда бериладиган баъзи маҳсулотларни эса умуман ёқтирмайди. Унинг ягона камчилиги шу бўлса керак!
- Ушбу йилнинг куз ойидан бошлаб Франция мактабларидаги кичик синф ўқувчиларига дарс давомида уяли телефондан фойдаланиш тақиқланади. Аниқроғи уни ўқув даргоҳи ҳудудиди ҳам ишлатиш мумкин эмас. Мутасаддилар шу йўл билан мустақамланмаган болалар организмизига электроманит нурлари таъсирини бироз камайтиришмоқчи. Қизиги эса уяли телефонларнинг зарари исботланмаган бўлса-да, унинг аксинчалиги борасида ҳам ҳеч нарса деб бўлмади. Франция ҳукумати хавфсизлик, химояланиши таъминлаш мақсадида қатор изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирча сотувчиларнинг зиммасига харидорларга фақатгина SMS-хабарлар ҳўнатидаган «болалар» телефони тақдим этиш вазифаси юклатилмоқда. Агарда уяли телефонларнинг зарари исботланса, 14 ёшгача бўлган ўсимлар ўртасида ҳам тақиқ қўйиладиган.
- Таниқли адиб Жеймс Жойснинг имзоси қўйилган «Улисс» асари Лондондаги букнистик ярмаркада 275 минг фунт стерлингга (442,9 минг АҚШ доллари)га сотилди. Машҳур асарнинг нодир нусхасини кўлга киритган британиялик коллекционер ўз исмини сир сақлашни маъқул кўрган. Катта миқдордаги маблаг сарфланган китоб ажойиб ҳолатда сақланган. Маълумотларга кўра, китоб 1920 йилларда Европандан АҚШга олиб борилган ва шу вақтгача оилавий кутубхонада сақланган. «Улисс» 1918 йили Америка журналларидан бирида чоп этила бошлаган. Бироқ айрим чекловлар туфайли романнинг журналдаги нашри охиригача етмай қолган. 1920 — 1930 йилларда асар АҚШ ва Буюк Британияда тақиқ остида бўлган. «Улисс»нинг Лондондаги букнистика ярмаркада сотилган нусхаси эса АҚШга контрабанда йўли билан олиб қилинган.

**ОАЖ «8-сонли Автосарой»**

«Исузу» ва «Мерседес-Бенц» автобусларига «Д» тоифали ҳайдовчиларни ҳамда чиптачиларни

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Телефонлар:** 224-06-07, 224-05-10, 111-05-17, 111-88-54

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

Тошкент шаҳар ҳудудиди фаолият юри-таётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини химоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

**269-14-45, 262-92-42**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

Мактабгача таълим муассасаларида

БАХТЛИ БОЛАЛИКНИНГ ХУШ ЛАҲЗАЛАРИ

Дунёда кичкинтойнинг беғубор кулгусидан, болажонларнинг олам-олам шодлигидан завқли нарса бормикан?! Шу боис ҳам бежизга бола кулса олам кулади, яшнайди, дейишмаган.




Миробод туманидаги «Турнача» деб номланган 247-мактабгача таълим муассасасига кириб борганимизда ана шундай шодлиги куйириқлар, кичкинтойларнинг шўх-шодон чечралари бизни қарши олди. Аввало ушбу сўлим маскан ховлиси, бу ердаги салқин ўйнагоҳлар, мевали ва манзарали дараклар, анвойи гуллар жилоси, пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган шiorлар эътиборимизни тортди. Гуруҳларга кирганимизда эса у ердаги батартиблик, ўйил-қизларга яратилган шарт-шароитлар, ўйинчоғу жиҳозларнинг талабга тўла жавоб бериши, ётоқхоналарнинг шинам ва озодлигидан қувондиқ. Тўртинчи айтиш лозим, биз ҳам болажон бўлиб қолгимиз, шу даврага қўшилгимиз келди. Чиндан ҳам мазкур болажон таълим масканида тарбияланаётган кичкинтойлар мустақиллик наъматларидан баҳра олиб, болалик бахтининг хуш лаҳзаларини тотишмоқда.



Азим шахримиз Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида тарбия масканида ҳам қўзғин тайёрларли олиб боришмоқда. Улар туманда ўтказилган «Истиқлол юлдузчалари» кўрик-танловида фаол иштирок этишди. Болажонлар ўртасида шахримизга бағишланган расмлар кўргазмаси ўтказилди. «Севимли шахрим», «Ўзбекистон — менинг Ватаним» деб номланган стендлар тайёрланди. Кичкинтойлар чизган энг яхши суратлардан мактабгача таълим муассасаси фойёсиди кўргазма

ташкил этилди. Шунингдек, туманда ўтказилган «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» кўрик-танловида иштирок этган тарбияланувчи Диана Умарова 3-ўринга сазовор бўлди. Айнакча, болажонларнинг тарбияланувчилари раҳбарлигида пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига қилган саёхатлари қизиқарли ўтди. Туманда жойлашган «Мингўрик-тепелигига ҳам экскурсия уюштирилди. Кичкинтойлар айна кунларда катта шодлигига аталган эрталликка тайёрланишиб, Ватан, Мустақиллик, Тошкент ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ўрганишмоқда, саҳна кўринишлари ҳам тайёрлашмоқда. Бир сўз билан айтганда, болажонларнинг ҳар кун байрам, Шу боис ҳам улар эрта тонгдан сеvimли масканлари томон ошиқишди.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: болажонлар учун барча шароитлар муҳайё. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР МАХТУМҚУЛИ

Манман бўлиб, этдим ишимни зоеъ, Иқболим отини ботирдим лоя.

Эй азишлар, мард йигитдан мард тугар, Номарддан ким чиқиб, айтинг мард бўлди?

Яхши сўзлар жой олади дил ичра, Нур ҳам чикса, тура билмас сел ичра, Эр йигитли, бир қарорли эл ичра, Ҳеч ўнгишмас номусу ор ўйнашар.

Оқил одамликдан чиқмас. Ё бош берар, ё бош олар, Мард йигит йўлдош устида.

Эй ёронлар, бир беҳунар йигитнинг, Минг ёмон сўз айтсанг, жонига етмас.

Зинҳор тушманг номардларнинг кўлига, Ўлдирсанг-да, ноҳақ қонига етмас. Одам бор, минг туман едирсанг оздир, Одам борки, еган нонига етмас.

Бир тоифа юрар молу давлат-ла, Бир тоифа юрар қуруқ савлат-ла, Одамзотни билиб бўлмас суҳбат-ла, Синамай билмайди киши кишини.

Йигитнинг обрўси яхши аёлдир, Яхши аёл нокасларга уволдир, Йигитга қаллоблик айна заводдир, Ҳар ён санқир, билмас қилар ишини.

Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

Бедов ўлса, майдон қолар армонли, Ҳақ ишқиди от сол майдон учраса, Йигит ўлса, замон қолар давронли, Вақтингни хуш ўтказ даврон учраса.

Йигит борки, сўзи дардинг аритар, Йигит борки, дами тошни эритар.

Юз номард жойини босмас бир марднинг Чекар ташвишини мард элу юртнинг. Қилган қилигини кўринг номарднинг: Жангми дея қочар туман учраса.

Мард кутар меҳмонни очик юз билан, Номард қочиб қолар меҳмон учраса. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳокимлигининг масъул ходими Абдулла САЪДУЛЛАХҲАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бугунги кунда бутун дунёни хавотирга солаётган аср вабоси деб аталаётган гиёвандликка қарши кураш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсда чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, гиёвандликнинг ёшлар ўртасида тарқалиши катта фожиа саналади. Зеро — ёшлар келажагимиздир.

Шифокор оғохлантиради ГИЁВАНДЛИК БАЛОСИДАН САҚЛАНИНГ!

Таърибалар шунки кўрсатадики, гиёвандликка илк бор қадам қўйган ёшлар кўпроқ 11 ёш билан 17 ёш ўртасида кузатишмоқда. Шу ёшда уларни жиловлаб олинса, фожианинг олди олинган бўлади. Сўнг иккинчи давр бошланади. Бунда ёшлар бир ёки бир неча марта гиёванд моддаларни истеъмол қилиб кўрадилар. Кўплари кейин давом эттирмасаларда, 25-30 фоиз ёшлар унга ўрганиб қолиб, умр бўйи тарқ ата олишмайди. Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида тарқалган гиёвандликнинг салбий натижаларини ўрганган бир ҳориқий мутахассис бу шум одатта берилиш сабабларини воқеликдан қончи, безовталик ва ҳаяжондан қутулиш, шахсий муаммолардан шу йўл билан фориг бўлиш, турли ташвишлардан халос топишда, деб изоқлайди. Илмий текшириш натижаларига қараганда, қорадори оғиз ёки бурун орқали инсон танасининг ичкарисига кирган, у аввало ичкараларга сўрилади ҳамда қориндаги қон айланиш йўли билан жигарга етиб боради. Жигар уни оксидлаб ҳарорат, сув ва карбонат ангидридга айлан-

тиради ва умумий қон айланиш жараёнига қўшилиб кетишига ерддам беради. Наттижада жигарнинг ҳужайралари ундан таъсирланиб широз касаллигига йўлиқади. Қорадори қайта-қайта истеъмол қилиниши оқибатида «жигар широзини» қуяча боради. Жигар кичрайиб қотиб қолган, унинг фаолияти сусаяди. Унинг ҳужайралари атрофида жигар ҳам қилолмаган ёгли моддалар қўчиб қолади. Гиёвандлик моддаларининг оксидлари халақит бергани учун йилганиши билан муҳим марказий асаб тизимига қадар етиб боради. Асаб ҳужайралари ишдан чиқиб, ярқисия ҳолатга келган, инсонда кўриш, экилишқуд билгиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-бемазани сезиш хусусиятлари йўқолади. Маълумки, асаб ҳужайралари ҳаёт моддаси саналмиш протоплазмадан таркиб топган бўлади. Қорадори етиб бориб у билан ҳаракатга киришган пайтда, шу ҳаёт моддаси қаттиқ изтиробга тушади. Наттижада, у ўз ҳаракатини тезлаштиради ёки ўта сусайтиради, ёхуд тиришиш, тортишиш ҳолати пайдо бўлади. Охир-

оқибатда, протоплазмага ўтказилган бундай салбий таъсирлар уни гиёвандлик моддаси истеъмолисиз яшай олмайдиган ҳолатга келтириб қўяди. Бундай ҳолатда ҳар қандай кашанда асабларини бирос, вақтинча бўлса ҳам тинчлантириш мақсадида оғу истеъмол қилишга мажбур бўлиб қолади. Гиёвандлик моддасини доимий истеъмол қилишга дучор бўлган кашанда-лар, жумладан, шундай салбий ҳолатларга гирифторм бўладилар: ухлай олмастик, кўзининг ёшланиши, титроқ, серпешоблик, увишиш, томирларнинг буртлиб чиқилиши, юрак ўйнаши, қўнғил айниши, қайт қилиш ва бошқа ҳолатлар. Яна энг даҳшатлиси, гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш, эртами-кечми СПИД касаллигига кишини гирифторм қилиши мумкин. Эслайтиб ўтаими, узок умр кўришни истасангиз, соғлом турмуш тарзига амал қилинг, гиёвандлик балосидан сақлангиз. Насима АХМЕДОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институту Тошкент шаҳар филиали услубчи-шифокори

Ёз — ўтмоқда соз СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда болажонларнинг ёзги таътиль кунларини мазмуни ва мароқли ўтказиш мақсадида кўплаб дам олиш оромгоҳлари ташкил қилинмоқда.

Жумладан, кунчи кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий-ижтимоий марказида ташкил этилган «Соғлом авлод» болажон оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 200 нафар кам таъминланган оилаларнинг 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари 4 сменадан иборат 12 кунлик соғломлаштириш оромгоҳига қабул қилинди. Қўзларидан ўт чакнаб турган болажонлар ёзги таътилни ушбу оромгоҳда ўтказишларини эшитиб, қувончдан ҳаяжонларини яшира олишмади. Болажонларнинг хурсандчилигига янада хурсандчилик улашиш мақсадида ташриф буюрган бир гуруҳ бадийи жамоаларини чиқишлари, кўплаб эртак қаҳрамонларнинг ташриф буюриши эса, тadbирга янада кўтаринки руҳ бағишлади. Бундан таъсирланган болажонлар улар билан биргаликда рақсга тушишди. Қўшиқларга жүр бўлишди. Байрам дастури узок вақт давом этди. Мазкур оромгоҳда болажонларга жамғарма томонидан кўплаб имкониятлар яратилган, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Мақбуба Маҳамбובה. — Яъни уларнинг дам олишлари мобайнида ҳар кунчи 4 маҳал иссиқ овкат билан таъминланиши, тиббий кўрик назоратида бўлиши, ҳар хил спорт турлари билан шуғулланишлари учун спорт анжомлари билан таъминланганлиги, шахримиздаги энг сўлим боғларга саёхат уюштиришлари ҳамда турли мусиқий кечалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси болажонларнинг яхши дам олишлари учун яратилган имкониятдир.

Баҳоидир ХОЛМАТОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустрас» ва «Тошэлектротранс» компаниялари ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

- автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм; трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм; троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм; чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: «Тошавтобустрас» Акциядорлик компанияси: 233-59-38 «Тошэлектротранс» Давлат компанияси: 244-24-75



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3676 нускада босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 156789